ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ЗАКИРОВА ФЕРУЗА АКИЛЖАНОВНА

ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРНИНГ КЛИНИК-ПРОГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАРДА ТУҒРУҚНИНГ КЕЧИШИНИ БАҲОЛАШ

14.00.06 – Кардиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК:616.12:618.3-06-036

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Закирова Феруза Акилжановна
Юрак қон-томир касалликлари билан хасталанган ҳомиладорларнинг клиник-прогностик мезонлари ва уларда туғруқнинг кечишини баҳолаш ……..... 3

Закирова Феруза Акилжановна
Клинико-прогностические критерии и оценка риска различных исходов родов у беременных с сердечно-сосудистой патологией ……. 31

Zakirova Feruza Akiljanovna
Clinical and prognostic criteria and risk evaluating of birth outcomes in pregnant women with cardiovascular diseases ……..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 62

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ЗАКИРОВА ФЕРУЗА АКИЛЖАНОВНА

ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРНИНГ КЛИНИК-ПРОГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАРДА ТУҒРУҚНИНГ КЕЧИШИНИ БАҲОЛАШ

14.00.06 – Кардиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib192 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна** тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Камилова Умида Кабировна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Абдуллаев Тимур Атаназарович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Каримов Ахмад Хашимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Россия «Халқлар дўстлиги» университети** (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 10007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел/факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ __ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 10007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51уй. Тел/факс: (+99871) 268-17-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги №____ ракамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Д.Курбанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аёллар экстрагенитал касалликлари ичида юрак қон-томир хасталликлари (ЮҚТХ) етакчи ўринда туради. Ҳомиладор аёлларда ЮҚТХнинг тарқалиши 8-10% ни ташкил этса, экстрагенитал касалликлар орасида эса 80% гача етади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар куни аёлларнинг тахминан 830 нафари ҳомиладорлик ёки туғруқ вақтидаги асоратлар туфайли ҳаётдан кўз юмади. Асоратлардан энг кўп учрайдиганлари артериал гипертензия, туғма ва орттирилган юрак хасталиклари, аритмия бўлиб, ушбу холатларда ҳар 100000 туғруқда аёллар ўлим кўрсаткичи 2,2 ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда юрак қон-томир касалликлари мавжуд ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини тиклашга ва туғруқ оқибатлари хавфини камайтиришга қаратилган даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқилишига қарамасдан ҳомиладорлик ва туғруқ вақтидаги асоратлар ривожланиш хавфи ортиб бормоқда. Бу борада гестозлар, ҳомиланинг тушиш хавфи, бачадон-плацентар қон айланиши бузилиши ва плацентанинг вақтдан илгари кўчиш ҳолатларини аниқлаш, гестациянинг турли босқичларида камқонлик, ҳомиладорлик ва туғруқлар сонининг юрак қон-томир тизими клиник ва функционал ҳолатига таъсирини баҳолаш, ўчоқли миокардит ва ревматик юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларда юрак етишмовчиги келиб чиқиш механизмини аниқлаш, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари хавфи ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш, ҳомиладорларда гемодинамик ўзгаришлар гестация муддатлари ҳамда фаол ревматик жараёнга боғлиқлигини аниқлаш, ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими касалликлари турли кўринишларида ишлаб чиқилган даволаш усуллари самарадорлигини такомиллаштириш, шунингдек, беморларни операциядан олдинги ва кейинги даволаш чора-тадбирларининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда юрак қон-томир касалликлари мавжуд ҳомиладорларда юрак қон-томир тизимида учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва туғуруқ асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда экстрагенитал касал-

ликларни эрта ташхислаш, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари хавфининг олдини олиш ва даволашнинг юқори замонавий усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Қарори билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1]. Юрак қон-томир касалликлари мавжуд ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш ва туғруқ оқибатлари хавфининг прогностик мезонларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, General Hospital Medical of Vienna (Австрия), University College London Hospitals (Англия), Mayo Clinic College of Medicine Rochester (АҚШ), University of Southern (АҚШ), Los Angeles School of Medicine (АҚШ), Vanderbilt School of Medicine (АҚШ), Tel Aviv University Sackler School of Medicine (Исроил), University of Toronto (Испания), Marseille University of Medicine (Франция), University Hospital of Zurich (Швейцария), University of the Punjab (Покистон), University of the Witwatersrand Johannesburg (Жанубий Африка), А.И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббий-стоматология университети (Россия Федерацияси), А.В. Вишневский номидаги хирургия институти (Россия Федерацияси), Педиатрия, акушерлик ва гинекология институти (Украина), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмокда.

Жаҳонда ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш ва туғруқ оқибатлари хавфининг прогностик мезонларини аниқлаш, даволаш ва профилактикасига йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: она ўлими ва перинатал

[1] www.ncbi.nlm.nih.gov., www.academic.oup.com., www. babyboo.ru, www.scardio.ru., www.health-ua.com., www.med.expert.com., www.almazovcentre.ru., www.baby-calendar.

ҳалокати юрак етишмовчилиги функционал ҳолати билан боғлиқ-лиги аниқланган (University College London Hospitals NHS Fondation Trust, Англия); гестация даврида вужудга келган юрак ритмининг бузилиши, она томонидан ҳалокатли оқибатларга, ҳомиланинг бачадон ичида суст ривож-ланишига ҳамда янги туғилган чақалоқларда турли хил асорталарга олиб келиши мумкинлиги аниқланган (А.И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббий-стоматология университети, Россия); юрак мушаги хасталиклари мавжуд ҳомиладорларда кўпроқ кечки токсикоз, ҳомила олди сувларининг эрта кетиши, туғруқ фаолияти сустлиги ва перинатал ўлим холати аниқлан-ган (ТФА акушерлик ва гинекология институти, Россия); кўп туққан аёлларда туғруқ вақти ва туғруқдан кейин жиддий ва оғир асоратлар кўпроқ вужудга келиши исботланган (Global causes of maternal death: a WHO systematic analysis; University of California, АҚШ); она организмида яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги акушерлик асоратларининг ривожланишига олиб келиши аниқланган (Marseille Universitй, Department of Gynecology and Obstetrics, Франция); юрак нуқсонлари мавжуд бўлган аёлларда гипоксия ёки бачадон ичидаги ҳомиланинг суст ривожланишига олиб келиши аниқ-ланган (Committee on Management of Patients with Valvular Heart Disease, АҚШ).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш, туғруқ оқибатлари хавфи прогностик мезонларини аниқлаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: гестозлар, ҳомилани тушиш хавфи, бачадон-плацентар қон айланиши бузилиши ва плацентанинг вақтдан илгари кўчиш ҳолатларини аниқлаш; камқонлик, ҳомиладорлик ва туғруқлар сонининг юрак қон-томир тизими ҳолатига таъсирини гестациянинг турли босқичларида аниқлаш; ўчоқли миокардит ва ревматик юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларда юрак етишмовчиги келиб чиқиш омилларини аниқлаш; ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари хавфи ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш; ҳомиладорларда гемодинамик ўзгаришлар гестация муддатлари ҳамда фаол ревматик жараёнга боғлиқлигини аниқлаш; ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими касалликлари турли кўринишларида ишлаб чиқилган даво-лаш усуллари самарадорлигини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЮҚТХ мавжуд ҳомиладор-ларда гестацион ва юрак қон-томир асоратлари (ЮҚТА)ни ривожлантирувчи клиник-прогностик мезонларни эрта босқичда аниқлаш, ҳамда бу аёлларни даволаш ва назорат қилишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари замонавий тиббиёт амалиётида жуда кам. Ҳозирги кунга келиб, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари мавжуд бўлган ҳомиладорларда салбий асоратларнинг ривожланиш хавфи баҳоланган CARPREG тадқиқоти мавжуд (Siu S.C. Sermer M, Colman J.M. et all. 2001.). Бу тадқиқотга асосан, туғма юрак нуқсонлари мавжуд бўлган аёлларда ЮҚТАнинг туғруқдан кейинги вақтда ривожланиши CARPREG индексининг қиймати билан боғлиқлиги

аниқланган (Balint O.H., Siu S.C., Mason J. et all. 2010.). ZAHARA тадқиқотида фақат туғма юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларда ЮҚТАнинг ривожланиш хавфи баҳоланган (Drenthen W., Boersma E., Balci A. Et all. 2010). Европа кардиологлар жамияти (ESC) нинг ишчи гуруҳи ҳомиладорларда ЮҚТА ривожланиш хавфини барча маълум бўлган юрак қон-томир ва ёндош хасталикларни инобатга олган, ҳамда ҳомиладорликка қарши кўрсатмаларни ўз ичига олувчи янгиланган ЖССТ тавсифига мувофиқ равишда баҳолашни тавсия этади (Torne S., Mac Gregor A., Nelson-Piercy C. 2006.). 2011 йилда ESC томондан ЮҚТХ мавжуд ҳомиладорларни кузатиш ва даволаш, уларда туғруқни олиб бориш усуллари бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқарилган ва тақдим этилган. Бундан ташқари, ESC ишчи гуруҳи томонидан орттирилган юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларни кузатиш ва даволаш бўйича тавсиялар тақдим этилган (Moska L., Benjamin E., Berra K. et all. 2011).

Ўзбекистонда ҳомиладорларда юрак аритмиясининг тарқалганлигини (Абдуллаев Т.А., Абидова Д.Э., Прохорова И.Р., 1999), магний етишмаслиги ҳолатида ҳомиладорларда юрак ритмининг бузилиши (Абдуллаев Т.А., 2006), камқонлик ҳолатида юрак ритмининг бузилиши (Абидова Д.Э., 2001), ҳомиладорларда юрак ритмининг бузилишини даволаш услублари (Абдуллаев Т.А., Абидова Д.Э. 1999), камқонлик билан хасталанган ҳомиладорларда миокард фаолиятини аниқлаш (Азимова Д.А., Пулатова М.К., Мухаммадаминова М.А., 1990) бўйича ишлар олиб борилган.

Бироқ, илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамизда ревматик юрак нуқсонлари ва миокардни яллиғланиш хасталиги мавжуд ҳомиладорларда ЮҚТАни, ҳомиладорлик ва туғруқ вақтидаги асоратларни ривожланиш хавфини дастлабки клиник-прогностик мезонлари ва юракнинг яллиғланиш касалликлари мавжуд ҳомиладорларни кузатиш алгоритми ҳам ишлаб чиқилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АДСС-2.3 (А10-СС-0-10619) «Юракнинг яллиғланиш ва клапанли касалликлари мавжуд бўлган ҳомиладорларда асорталарнинг ривожланишини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги усулларни ишлаб чиқиш» (2011-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юракнинг клапанли ва яллиғланиш касалликлари мавжуд ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини аниқлаш ва туғруқнинг турли асоратлари хавфининг клиник-прогностик мезон-ларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладор аёллар гестациясининг турли босқичларида камқонлик, ҳомиладорлик ва туғруқлар сонининг юрак қон-томир тизими (ЮҚТТ) клиник ва функционал ҳолатига таъсирини баҳолаш;

ўчоқли миокардит (ЎМ) ва ревматик юрак нуқсонлари (РЮН) мавжуд ҳомиладорлар турли гестация босқичларида юрак ритми бузилиши частотаси ва тавсифи, ҳамда юрак етишмовчигининг клиник кўринишларини аниқлаш;

проспектив ва ретроспектив таҳлиллар асосида ЎМ ва РЮН мавжуд аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечиши хусусиятларини аниқлаш;

гестациянинг турли босқичларида ЎМ ва РЮН мавжуд аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари хавфи ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш;

онанинг ЎМ ва РЮН клиник-функционал холати кўрсаткичлари асосида янги туғилган чақалоқлар ҳолатини Апгар шкаласи бўйича баҳолаш;

ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларни даволаш-ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 183 нафар ҳомиладор ва 395 нафар ЎМ ва РЮН мавжуд туққан аёллар касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аёллар вена қони ва зардоби умумклиник ва биокимёвий таҳлиллар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида умумклиник, биохимик, инструментал тадқиқотлар, допплерометрия, жисмоний фаолиятни аниқловчи синов ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳомиладорлар гестацияси II-III триместридаги камқонлик, ЎМ ва РЮН тизимли/марказий гемодинамика ва миокарднинг электрик хусусиятлари дезадаптив ўзгаришларига, 3 дан ортиқ қайта ҳомиладорлик – multigravida (MG) ҳолатларда уларнинг чуқурлашуви, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари ривожланишига олиб келиши исботланган;

илк бор гестациянинг II-III триместрида ЎМ мавжуд ҳомиладорларда юрак етишмовчилиги (ЮЕ) нинг I-II функционал синфига (ФС) хослик, миокарднинг электрик беқарорлиги ва юрак ўтказувчанлиги бузилиши аниқланган;

илк бор митрал клапан етишмовчилиги (МКЕ) устун бўлган РЮНга хос чап қоринча қисқариш фаолияти пасайиши, ўпка артериясидаги ўртача босим ортиши ва перикард бўшлиғида суюқлиқ пайдо бўлишига хос гемодинамик ўзгаришлар ва уларнинг авж олиши, гестация муддатлари ҳамда фаол ревматик жараёни билан алоқадорлиги аниқланган;

илк бор ҳомиладорлар гестацияси II-III триместрида миокарднинг электрик беқарорлиги (қоринча усти экстрасистолияси (ҚУЭ), қоринча экстрасистолияси (ҚЭ)) ва юрак ўтказувчанлигини бузилиши (PQ, QRS узайиши) фаол ревматик жараённинг етакчи симптомокомплекси эканлиги исботланган;

илк бор ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда ЮЕ нинг III ФС белгиларини борлиги гестозлар, фетоплацентар етишмовчилик (ФПЕ) ривожланиши ва чақалоқлар умумий ҳолати Апгар шкаласи бўйича сустлашуви ривожланиши, MG эса туғруқ фаолияти заифлашуви хавф омили эканлиги аниқланган;

илк бор клиник ва гемодинамик интенсив маълумотларни меъёрлаштириш усули асосида ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари ривожланиш хавфини интеграл баҳолаш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

аёлларда камқонлик, кўп сонли ҳомиладорлик ва туғруқлар, ҳатто юракнинг органик касалликлари бўлмаганида ҳам ҳомиладорлик ва туғруқдаги асоратлар ривожланишининг омили сифатида ҳисобга олиниши ва улар терапевт ва акушер-гинекологлар диспансер кузатувида бўлишлари кераклиги исботланган;

ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқдаги асоратлар ривожланишини юрак-қон томир предикаторларини аниқлаш мақсадида уларда клиник-функционал текширувлар мажмуасини, жумладан, ЭКГ ни суткалик Холтер мониторлаш, ЭхоКГ, жисмоний юкламалар, қоннинг лаборатор текширувларини ўтказиш таклиф этилган;

анамнезида кўп сонли ҳомиладорлик ва туғруқлар бўлган ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорлар юракнинг асосий функционал фаолиятини вақти-вақти билан мониторлаш (ЭКГ, суткалик ЭКГ ни Холтер мониторлаш (СЭКГХМ, ЭхоКГ, жисмоний юкламалар) билан кардиологнинг диспансер кузатувида бўлишлари кераклиги аниқланган;

ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда гестациянинг ортиши билан бирга ЮЕ белгиларини пайдо бўлиши ёки чуқурлашуви ҳолатида ҳомиладорлик ва туғруқдаги асоратларнинг ривожланиш хавфини интенсив кўрсаткичларни нормаллаштириш асосида ҳисоблаш таклиф этилган;

ЮЕ белгилари, юрак ритми бузилиши бўлган ЎМ мавжуд ҳомиладорларни метопролол сукцинат билан даволаш жисмоний юкламага чидамлиликни оширишга, ЮЕ белгиларини ва юрак ритмининг бузилишининг камайишига, ҳамда гестозларнинг ривожланиш хавфини камайтиришга ёрдам бериши исботланган;

РЮН фаол яллиғланиши мавжуд бўлган ҳомиладорда метопролол сукцинатни ҳамда ревматизмга қарши даволаш усулининг қўлланилиши ва кейинчалик бициллинопрофилактикага ўтказилиши чап қоринчанинг тизимли ва ҳажмли ўлчамларини камайишига, жисмоний юкламага чидамлиликни ва юракнинг қисқариш фаолиятини оширишга, юқори градацияли юрак ритмининг бузилишини ва ЮЕ белгиларини камайишига ёрдам бериши исботланган. Шу билан бирга, гестозлар, ФПЕ ва туғруқ фаолиятининг сусайиши каби асоратларининг ривожланиш хавфи камайиши, ҳамда янги туғилган чақалоқларнинг Апгар шкаласи бўйича баҳоланувчи ҳолатининг яхшиланиши кузатилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, юрак қон-томир касалликлари мавжуд ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини ва туғруқ оқибатлари хавфи ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда аниқланган миокарднинг электрик беқарорлиги, юрак ўтказувчанлиги бузилиши, ўпка артериясидаги ўртача босимнинг ортиши, ўзига хос гемодинамик ўзгаришлар ва уларнинг авж олиши, гестация муддатлари ҳамда фаол ревматик жараён мавжудлиги билан алоқадорлиги ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорлар гестацион жараёнида ЮЕ белгиларининг пайдо бўлиши ва/ёки ЮЕ ФС ортиб бориши ҳолатлари, ҳомиладорлик ва туғруқдаги асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш ҳомиладор аёл ҳолатини кузатиш, мақсадга мувофиқ терапевтик муолажаларни танлаш, таклиф этилган даволаш усули миокарднинг электрик хусусиятларини меъёрлаштириш, юрак ички гемодинамикасини яхшилаш, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юрак қон-томир касалликлари мавжуд хомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш ва туғруқ оқибатлари хавфининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда метопрололнинг қўлланилиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 октябрдаги 8н-д/42-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда метопрололнинг қўлланилиши жисмоний юкланишга чидамлиликни оширишига, миокарднинг электрик беқарорлигига ижобий таъсир қилишига ҳамда юрак етишмовчилик белгиларини камайишига ёрдам бериши курсатилган, бу эса, ўз навбатида, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради;

«Юрак хасталикларида ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш (ташхислаш, олиб бориш тактикасига умумий ёндошувлар)» методик қўлланмаси тасдиқланган. Мазкур методик қўлланма ЮҚТХ бўлган ҳомиладорларда комплекс лаборатория-инструментал ва клиник текширув усулларини қўллаш, ЮҚТТ ҳолатини объектив баҳолашга ёрдам беради ва бу аёлларда

ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг тўғри усулини танлаш имконини яратади;

«Миокардит ва юракнинг ревматик нуқсони билан хасталанган аёлларда ҳомиладорлик вақтида юрак қон-томир асоратларининг ривожланиш хавфини ҳисобловчи калькулятор» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 октябрдаги 8н-д/42-сон маълумотномаси). Мазкур ҳисоблаш калькулятори миокардит ва ревматик юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларда кардиологик ва гестацион асоратларнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ предикаторларни эрта аниқлаш ва ушбу ҳомиладорларни назорат қилиш усулини оптималлаштиришга имкон яратади;

«Миокардит ва юракнинг ревматик нуқсони билан хасталанган аёлларда туғруқ вақтида юрак қон-томир асоратларининг ривожланиш хавфини ҳисобловчи калькулятор» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 октябрдаги 8н-д/42-сон маълумотномаси). Мазкур ҳисоблаш калькулятори миокардит ва ревматик юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларда туғруқ вақтидаги асоратларнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ предикаторларни эрта аниқлаш ва оптимал туғдириш йўлини танлашга ёрдам беради, бу эса жаррохлик йўли билан туғдиришни камайтиришга имкон яратади;

юрак қон-томир касалликлари мавжуд ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш ва туғруқ оқибатлари хавфининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика перинатал маркази ва Тошкент шаҳар перинатал маркази амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 октябрдаги 8н-д/42-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш, туғруқ оқибатлари хавфини аниқлаш ва назорат қилиб туриш, ҳомиладорлик ва туғруқни асоратсиз олиб бориш, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон килинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти бўлим, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 215 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Хомиладорлар перинатал ва акушерлик асоратлари ривожланиши хавфида юрак қон-томир омиллари муаммосининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи боби олтита қисмдан иборат булиб, ҳомиладорларда ЮҚТХнинг тарқалганлиги, ҳомиладорларда ЮҚТАнинг предикторлари, ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнидаги асоратларнинг мезонлари: ҳомиладорларда камқонлик, кўп сонли ҳомиладорлик ва туғруқлар, юрак ритмининг бузилиши, яллиғланиш жараёнларининг ҳомиладорликнинг кечишига таъсири; ҳомиладорларда миокардитларнинг кечиши; РЮН мавжуд ҳомиладорларда ҳомиладорликни ва туғруқни олиб бориш; ҳомиладорларда ЮҚТХни даволаш ҳақидаги тушунчалар адабиёт таҳлили асосдида ёритилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** номли иккинчи бобида текширувдан ўтказилган ҳомиладорларнинг умумий характеристикаси бўйича маълумотлар, клиник, лаборатория, функционал тадқиқот услублари ва жисмоний юкланиш синамаси маълумотлари келтирилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда, гестациянинг II ва III триместрдаги 18-40 ёшдаги 183 нафар ҳомиладор аёл кенг кўламли (комплекс) текширувдан ўтказилди. Текширувдан ўтказилган ҳомиладорларнинг 62 нафарида ЎМ (гуруҳ 1), 70 нафар ҳомиладорда РЮН (гуруҳ 2) ташхис этилган бўлиб, юрак қон-томир тизими патологияси аниқланмаган 51 нафар ҳомиладор аёл назорат гуруҳини ташкил этган. Бундан ташқари, 2011 йил Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида туққан миокардит (217 нафар аёл) ва РЮН (178 нафар аёл) мавжуд 395 нафар аёлнинг касаллик тарихини ретроспектив таҳлили ўтказилган бўлиб, уларнинг маълумотлари фақатгина ҳомиладорлик ва туғруқ вақтидаги ножўя асоратларнинг ривожланиш прогностик хавфини ҳисоблашда инобатга олинган.

«Ўчоқли миокардит» ташхиси қуйидаги ҳолатларда қўйилган: анамнезда охирги икки ҳафта давомида бўлган шамоллаш касалликлари билан, нафас қисилиши, тез чарчаш, юрак уришининг жадаллашиши, юракнинг норитмик уриши, қон таҳлили бўйича яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги, ҳамда, ЭхоКГда ўзгаришлар: қоринчалар деворида локал дискинезияси билан зичланиш пайдо бўлганда. РЮН ташхиси қуйидагиларга асосланиб қўйилган:

шикоятлар, ревматик анамнезни мавжудлиги, ревмопробанинг ижобий натижалари, аускултатив маълумотлар ва ЭхоКГ кўрсаткичларида ревматик нуқсонларга хос ўзгаришларнинг мавжудлиги.

Истисно мезонлари сифатида қуйидагилар аниқланган: норевматик этиологияли юрак нуқсонлари; туғма юрак нуқсонлари; ҳомиладорларда бошқа турдаги ЮҚТХ борлиги (артериал гипертензия, семизлик, II ва III даражадаги камқонлик, дилятацион кардиомиопатия, гипертрофик кардиомиопатия, ЮИК ва бошқалар); диффуз миокардит; бошқа ЭГХ мавжуд бўлган ҳомиладорлар (I-даражали темир танқислиги камқонлигидан ташқари).

Текширувдан ўтказилган РЮН мавжуд бўлган аёлларнинг 54 нафарида (77,1%) митрал клапан етишмовчилиги (митрал клапаннинг I ёки II даражали регургитацияси билан), 2 нафарида (2,8%) аортал клапаннинг етишмовчилиги (аортал клапаннинг I ёки II даражали регургитацияси билан), 11 нафарида (15,7%) митрал ва аортал клапанларнинг қўшма етишмовчилиги (клапанларнинг I ёки II даражали регургитацияси билан), ва 3 нафарида (4,3%) митрал-аортал-трикуспидал клапанларнинг қўшма етишмовчилиги (II даражали митрал регургитацияси, II даражали аортал регургитацияси ва I даражали трикуспидал регургитацияси) аниқланди.

Анамнездаги ҳомиладорлик ва туғруқларни сонини ўрганилаётган кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш учун ҳар бир гуруҳ қуйидаги ост гуруҳларга бўлинган: 3 мартадан ортиқ ҳомиладор бўлган ва туғруқ ораси 3 йилдан кам вақтни ташкил этган аёллар – multigravida (MG), ва илк бор ҳомиладор бўлган аёллар - primigravida (PG). Бундан ташқари, камқонликни (темир танқислиги туфайли) ҳомиладор ҳолатига таъсирини ўрганиш учун ҳар бир гуруҳ камқонлик бўлган (гемоглобин миқдори<110 г/л) ва камқонлик бўлмаган ҳомиладорлардан иборат ост гуруҳларга бўлинган. Ўрганилаётган кўрсаткичлар ЎМ ва РЮН мавжуд бўлган ҳомиладорларда ЮЕ ФСини инобатга олган ҳолда қиёсий таҳлилланган. РЮН мавжуд бўлган ҳомиладорлар гуруҳида таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар актив ревматик жараённи ва сурункали ревматик юрак касаллиги (СРЮК) мавжудлигини инобатга олган ҳолда; клапанларни ревматик зарараланиши бўйича - битта клапанни етишмовчилиги (битта клапанни шикастланиши) ва биттадан ортиқ клапанни етишмовчилиги (қўшма етишмовчилик) инобатга олинган ҳолда баҳоланган. Юрак уриш сони (ЮУС)нинг одатий, яъни нормал меъёри ҳомиладор бўлмаган аёллар учун ўртача дақиқада 70-80 тани ташкил этишини инобатга олсак, ҳомиладорлар учун дақиқада ўртача 85-95 тадан ошмаслиги керак (ҳомиладорликнинг нормал ўтиши ҳолатида ЮУС дақиқада 15-20 тага кўпаяди). Шу муносабат билан, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг авж олиш хавфи ЮУС<96 ур/дақ ва ЮУС≥96 ур/дақ ҳолатида ўрганилган.

Дастлабки амбулатор текширувлар қатор жараёнларни ўз ичига олган; касаллик анамнезини ўрганиш, шу жумладан акушерлик анамнезни, артериал босим (АБ) ва ЮУСни аниқлашни ўз ичига олган клиник текширув, юрак аускультацияси, қоннинг клиник-биокимёвий текширувлари (умумий қон

таҳлили, гемостазиограмма, ревмопроба), 12 стандарт тармоқдаги ЭКГ ни олиш, ЭхоКГ, СЭКГХМ, ЮЕ ФСни баҳолаш мақсадида жисмоний юклама – олти дақиқали юриш (ОДЮ) ўтказилган. Акушер-гинекологлар гуруҳи томонидан умумий ва маҳсус акушерлик текширувлари, жумладан ҳомиланинг ултратовуш фетометрияси ўтказилган.

Гестациянинг II триместрида РЮН актив яллиғланиш жараёни мавжуд бўлган ҳомиладорларда антибактериал терапия сифатида 10 кун давомида кенг кўламли антибиотиклар (цефалоспоринларнинг III-авлоди вакили цефтриаксон кунига 2,0 г дозасида), яллиғланишга қарши восита сифатида 5 кун давомида ибупрофен 1200 мг кунига қўлланилган, сўнгра ҳомиладорлар ойлик бициллинопрофилактикага ўтказилган. Шу билан бирга, РЮН ва ЎМ мавжуд ҳомиладорларга, ЮУСнинг жадаллиги, ҳамда қоринча ва қоринча усти экстрасистолияси мавжудлигини инобатга олинган ҳолда, метопролол сукцинатнинг 23,75-47,5 мг кунлик дозаси тавсия этилган. Барча ҳомиладор аёллар бутун гестация даврида ҳомиладорлар учун поливитаминлар, Магне-B_6 ва йод препаратларини қабул қилганлар. Даволаниш тайинланганидан 1 ой кейин терапиянинг таъсири ва самарадорлиги баҳоланган.

ФПЕ ва гестозлар каби асоратлар - ҳомиладорлик давридаги акушерлик асоратлари мезони сифатида, қон кетиши ва туғруқ фаолиятининг сустилиги эса - туғруқ вақтидаги асоратлар мезони сифатида танланган (Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида туққан ЎМ ва РЮН мавжуд бўлган аёлларнинг касаллик тарихидаги ретроспектив таҳлил маълумотлари бўйича энг кўп учрайдиган асоратлар). ФПЕ ҳомила фетометрияси маълумотлари бўйича ташҳис этилган (Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказидаги акушер гинекологлар гуруҳи томонидан), гестозлар эса АБ ортиши, шишлар ва сийдикда оқсил пайдо бўлганида ташҳисланган. Текширувдан ўтган аёлларда ҳомиладорлик кечиши ва туғруқ жараёнининг ретроспектив ва проспектив таҳлили асосида ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда ҳомиладорлик (гестозлар, ФПЕ) ҳамда туғруқ (қон кетиши ва туғруқ фаолиятининг сустлиги) асоратларини ривожлантирувчи прогностик хавф ҳисоблаб чиқилган. Қўлга киритилган маълумотлар инобатга олинган ҳолда, ЎМ ва РЮН мавжуд ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг ривожланиш хавфини баҳоловчи 4 та калкулятор ишлаб чиқилган.

Янги туғилган чақалоқлар ҳолатини баҳолаш. Янги туғилган чақалоқлар ҳолати АПГАР шкаласи бўйича балларда белгиланган (Вирджиния Апгар. 27-анестезиологлар йиллик анжумани, 1952): соғлом чақалоқлар шкала бўйича 7 баллдан юқори; енгил асфиксияда туғилган болалар 5 дан юқори, лекин 7 дан кам; ўрта асфиксия намоён бўлган болалар 5 дан кам; оғир асфиксия ҳолатида эса 4 дан кам балл билан баҳоланган. Клиник ўлим ҳолатидаги баҳо –0 баллни ташкил қилган.

Гуруҳларнинг қиёсий таҳлили ҳомиладорларнинг ёши, ҳомиладорлик даври, анамнезидаги ҳомиладорлик ва туғруқлар сони бўйича фарқланмади. Анамнезда сурункали тонзиллитнинг мавжудлиги назорат гуруҳига нисбатан 1- ва 2-гуруҳларда сезиларли даражада кўпроқ аниқланди. Анамнездаги ўз-ўзидан ҳомила тушиши ва ривожланмайдиган ҳомиладорлик ҳолатларини учраши 2-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ кузатилди. Ҳомиладорлик асоратларини таҳлили 1- ва 2-гуруҳларда ФПЕ (Ib, II) га оид белгиларнинг устунворлиги топилди, бу эса, ўз навбатида янги туғилган чақалоқнинг ҳолатини белгиловчи Апгар шкаласини паст баллар билан баҳоланишига сабаб бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Гуруҳлар орасидаги жорий ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг, янги туғилган чақалоқлар ҳолатининг баҳоланишини қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=51	$P_{к-1}$	Гуруҳ 1 n=62	$P_{к-2}$	Гуруҳ 2 n=70	P_{1-2}
Гестозлар	5 (9,8%)	>0.05	12 (19,3%)	XI=3.873 p=0,049	18 (25,7%)	>0.05
ФПЕ I a	7 (13,7%)	>0.05	18 (29%)	>0.05	11 (15,7%)	>0.05
ФПЕ I b	5 (9,8%)	>0.05	12 (19,3%)	XI=5.251 p=0,022	18 (25,7%)	>0.05
ФПЕ II	-	XI=5.256 p=0,02	8 (12,9%)	XI=13.283 p=0,000	16 (22,8%)	>0.05
ФПЕ III	-	>0.05	-	>0.05	2 (2,8%)	>0.05
ФПЕ (умумий)	12 (23,5%)	XI=14.679 p=0,000	38 (61,2%)	XI=20.750 p=0,000	47 (67,1%)	>0.05
Туғруқ асоратлари						
Туғруқ фаолиятининг сустлиги	5 (9,8%)	>0.05	-	>0.05	6 (8,6%)	>0.05
Қон кетишлар	6 (11,8%)	>0.05	9 (14,5%)	>0.05	9 (12,8%)	>0.05
Ҳомила ва янги туғилган чақалоқ ҳолати						
Ҳомила гипотрофияси	5 (9,8%)	>0.05	5 (8,1%)	>0.05	7 (10%)	>0.05
Апгар ≥7	47 (92,1%)	XI=5.853 p=0,016	45 (72,6%)	XI=12.058 p=0,000	44 (62,8%)	>0.05
Апгар <7	4 (7,8%)	XI=5.853 p=0,016	17 (27,4%)	XI=12.058 p=0,000	26 (37,1%)	>0.05

Олинган маълумотлар «Statica 6.0» амалий дастурлар пакети ёрдамида статистик жиҳатдан ишлаб чиқилган. Кўп сонли гуруҳларни қиёслама солиштиришни амалга ошириш мақсадида, Тьюки мезони ҳисобга олинган равишда ANOVA дастури қўлланилган. Ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари-

нинг ривожланиш ҳафини тизимли равишда прогнозлаш (олдиндан башорат қилиш) учун Байеснинг ишончли услубига таянган Е.Н. Шиганнинг (1977, 1983) интенсив кўрсаткичларни нормаллаштириш (ИКН) услуби қўлланилган.

Диссертациянинг **«Юрак қон-томир касалликлари бўлмаган ҳомиладор аёлларда клиник ҳолат хусусиятлари ҳамда тизимли ва марказий гемодинамика фаолияти кўрсаткичлари»** деб номланган учинчи бобида ЮҚТХ мавжуд бўлмаган ҳомиладорлар (назорат гуруҳи)да ҳомиладорлик сонининг ортиб бориши билан ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг авж олиш хавфи ҳам ортиши кўрсатиб ўтилган: гестозлар 33,3% аёлларда MG ҳолатида аниқланган, XI=4.134 p=0,042; туғруқ фаолиятининг сустлиги 26,7% аёлларда MG ҳолатида кузатилган; қон кетишлар 20% аёлларда MG ҳолатида кузатилган. MG ҳомиладорларда PGга нисбатан турли хил даражадаги ФПЕ кўпроқ учраган (80% аёлларда MG ҳолатида ва 6,2% аёлларда PG ҳолатида, XI=14.397 p=0,000). Белгиланган ҳолатлар СЭКГХМ бўйича ЮУСнинг ортиши (тахикардия эпизоди MG ҳолатида 138,1±19,9 ва PG ҳолатида 80,1±59,1 аниқланган, p=0,001), ҚЭ ва ҚУЭнинг ортиши, ОДЮда ўтиш масофасининг қисқариши (MG ҳолатида 403±72,4 м ва PG ҳолатида 459,2±77,5 м, p=0,046), гемоглобин кўрсаткич-ларининг нисбатан пастлиги (MG ҳолатида 103,6±10,4 г/л ва PG ҳолатида 111±6,4 г/л, p=0,023) билан боғлиқ бўлган. ЭхоКГ маълумотларига кўра ҳомиладордик ва туғруқ сонининг ошиши чап қоринча (ЧҚ) ҳажм кўрсаткичларининг ортиб бориши билан намоён бўлган (якуний диастолик ҳажм (ЯДҲ): MG ҳолатида 120,5±9,32 ва PG ҳолатида 111,4±12,56, p=0,03; якуний систолик ҳажм (ЯСҲ): MG ҳолатида 40,05±4,85 ва PG ҳолатида 35,1±6,4, p=0,02).

Камқонлик бўлган (темир танқислиги туфайли) ва камқонлик бўлмаган ҳомиладорлар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили жараёнида ЧҚ ҳажми камқонлик сабабли ортиши аниқланди. Масалан, камқонлик бўлган гуруҳда ЯДҲ - 123,3±16,7 млни ташкил этган бўлса, қиёслаш гуруҳида бу кўрсаткич 111,9±12,46 мл бўлган (p=0,008); камқонлик бўлганлар гуруҳидаги ЯСҲ 39,8±5,5 мл га қиёсан 35,5±5,11 млни ташкил этган (p=0,007). Шу билан бирга, митрал клапан регургитациясини учраши кўпроқ камқонлик бўлган ҳомиладорлар гуруҳида кузатилган (25% га нисбатан 57,9% XI=4.201, p=0,04). ОДЮ тести маълумотлари камқонлик бўлган ҳомиладорлар нисбатан камроқ масофани ўтганларини кўрсатди (497,3±97,84 мга нисбатан 364,9±45,97 м, p=0,000), бу эса ЮУСнинг ортиши ва субъектив ҳиссиётлар жадаллиги (чарчоқ, умумий ҳолсизлик, ҳаво етишмаслиги ҳисси, бош оғриқлари, юрак ритмининг бузилиши, кўз олди қоронғулашуви) билан боғлиқ бўлган. Акушерлик анамнезни ўрганиш ФПЕ (Iа даражали) белгиларини камқонлик мавжуд бўлган гуруҳда кўпроқ учрашини кўрсатди (36,8% камқонлик мавжуд гуруҳда, XI=10.731, p=0,001), туғруқ вақтида қон кетиш ҳолатлари 26,3% камқонлик мавжуд бўлган гуруҳ аёлларида кузатилди (XI=4.144, p=0,042). Ҳомила ҳолатини баҳолаш жараёнида

камқонлик мавжуд бўлган ҳомиладорларда ҳмила гипотрофияси (26,3%, XI=6.598 p=0,01) ва янги туғилган чақалоқларни умумий ҳолатини баҳоловчи Апгар шкаласи балини пастлиги статистик жиҳатдан устувор бўлган (21%, XI=4.688, p=0,03).

Юракнинг органик патологияси бўлмаган ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг ривожланиш хавфини юрак уриш сони (ЮУС)ни инобатга олган ҳолда таҳлил этиш гестозлар ва ФПЕни ривожланиш хавфи ЮУС≥96 ур/дақ бўлганда ортиши аниқланди: гестозлар 22,2% ЮУС≥96 ур/дақ ҳолатида, ЮУС<96 ур/дақ ҳолатида эса, атиги 3% ҳомиладорларда учраган. Турли даражадаги ФПЕ 44,4% ЮУС≥96 ур/дақ ҳолатида, ЮУС<96 ур/дақ ҳолатида эса фақатгина 12,1% ҳомиладорларда учраган (x^2=5.086, p=0,024). Туғруқ асоратларининг ривожланиш хавфи, шунингдек ЮУСнинг ортиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, туғруқ фаолиятининг сустлиги ЮУС≥96 ур/дақ ҳолатида 11,1% аёлларда, ЮУС<96 ур/дақ ҳолатида эса 6% аёлларда учраган, қон кетишларнинг ривожланиш хавфи ҳам ЮУС≥96 ур/дақ ҳолатида ортишга мойиллиги борлиги аниқланган.

Диссертациянинг **«Ўчоқли миокардит билан хасталанган ҳомиладорларнинг клиник ҳусусиятлари ҳамда тизимли ва марказий гемодинамика фаолияти кўрсаткичлари»** деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда гестация муддатларини инобатга олган ҳолда аниқланган гемодинамик силжишларни ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг ривожланшидаги ўрни ва аҳамиятини акс эттирувчи ҳолатлар шаклланган. ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда гестация муддатларини инобатга олган ҳолда ҳар икки гуруҳда ЧҚ чизиқли ва ҳажмли кўрсаткичларининг ортиши ва ЧҚ нинг қисқариш фаолияти (ЧҚҚФ)ни пасайиши (II триместрдаги ЎМ ҳолатида 64,95±4,54%, контрол гуруҳида 68,23±2,32%, p=0,003; III триместрдаги ЎМ ҳолатида 61,54±6,52% ва назорат гуруҳида 67,49±2,3±9%, p=0,000), шунингдек перикард бўшлиғида суюқлик мавжудлиги аниқланган. ЧҚнинг аниқланган ремоделлашуви ва ЧҚҚФнинг пасайиши гестациянинг III триместрида ЎМ билан хасталанган ҳомиладорлар гуруҳида нисбатан яққолроқ ва сезиларли даражада бўлган (ЯСҲ гестациянинг II триместрида 41,28±7,97 мл ва III триместрида 50,67±17,3 мл, p=0,008; ЧҚҚФ гестациянинг II триместрида 64,95±4,54% ва III триместрида 61,54±6,52%, p=0,02). ЭКГ да реполяризация жараёнларининг бузилиши (РЖБ) гестациянинг II ва III триместрида назорат гуруҳи билан солиштирганда ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларнинг кўпчилигида қайд этилган, бунда ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларнинг III триместридаги ўртача ЮУС II триместридаги параметрларидан сезиларли даражада юқори бўлган (95,54±12,63 ур/дақ га қарши 104,48±16,9 ур/дақ, p=0,02). ОДЮ тестининг таҳлили ўтилган масофанинг узунлигини назорат гуруҳига нисбатан ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда иккала гестация муддатида қисқа эканлиги (III триместрда нисбатан пастроқ кўрсаткичлар билан – 307,04±77 м ва II триместрда

357,8±88,1 м, p=0,019), бу эса систолик АБ (САБ) ва дисатолик АБ (ДАБ)нинг пасайиши билан, ЮЕ аломатларининг яққоллиги (нафас қисилиши, юрак уриши, ҳаво етишмаслиги ҳиссиёти) билан боғлиқ бўлган. ЮУСнинг юклама синовидан олдин ва кейин қайд этилган ортиши ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда гестациянинг III триместрида нисбатан яққол бўлган. СЭКГХМ маълумотларига кўра, ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда ЮУСнинг барча таҳлил этилаётган параметрлари, шу билан бирга турли хил градацияли қоринча экстрасистолияси сони, назорат гуруҳидагилардан сезиларли даражада юқори бўлган. Бунда, ҚУЭ частотаси (умумий ва якка, аллоритмия эпизодлари) гестациянинг охирги босқичларида назорат гуруҳидаги аналогик кўрсаткичлардан устун бўлган. Бироқ жуфт ҚУЭ, қоринча усти пароксизмал тахикардияси (ҚУПТ) назорат гуруҳига нисбатан ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда сезиларли даражада кўпроқ учраган.

ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда камқонликнинг мавжудлиги миокард электр беқарорлигининг ортиши ва ЖЮЧнинг ОДЮ синовини маълумотларига асосан пасайиши, ҳамда янги туғилган чақалоқ ҳолатини акс эттирувчи Апгар шкаласи бўйича баллар йиғиндисининг камайиши билан боғлиқ бўлди.

ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда ЮЕ ФС ортиб бориши билан гестозларнинг, ФПЕ ривожланишининг ошиши ва янги туғилган чақалоқ ҳолатини акс эттирувчи Апгар шкаласи бўйича балларнинг пастлиги ўртасида тўғридан-тўғри алоқа борлиги қайд этилган. ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда юрак ўтказувчанлигининг бузилиши ва миокарднинг электрик беқарорлиги белгиларининг кучайиши билан боғлиқ бўлган ЮЕ ФСнинг (I дан III гача) ортиб бориши, гестозлар сонининг ортишига аниқ сабаб бўлган (ФС I - 14,8% га қараганда ФС III- 42% XI=6.509, p=0,01), ФПЕ (ФС I - 25% га қараганда ФС III -94,7% XI=15.229, p=0,000; ФС I га қараганда ФС II гуруҳи - 59,3%, XI=5.556, p=0,018). ЮЕ ФС III даги 84,2% ҳомиладорларда янги туғилган чақалоқлар аҳволи Апгар шкаласи бўйича <7 балл деб белгиланган, бу эса ЮЕ ФС II ва ФС I гуруҳчаларга нисбатан анча юқори ҳисобланади.

Бундан ташқари, ЎМ билан хасталанган MG ҳомиладорларда ОДЮ синови таҳлили, ЭхоКГ (ЧҚнинг ҳажмини ортиши), СЭКГХМ (ҚУЭ ва ҚЭ юқори градацияларини кўпайиши) таҳлилларидаги аниқланган ўзгаришларнинг чуқурлашиши таъкидланган, ҳамда туғруқ фаолиятининг сустлиги (40% XI=7.044, p=0,008) кўринишидаги туғруқ асоратининг ривожланишини ҳам таъкидлаш жоиз.

ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда ЮУСни инобатга олган ҳолда, ЮУС≥96 ур/дақ ва ЮУС<96 ур/дақ ҳолатида ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг авж олиш хавфини таҳлил этиш жараёнида ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг авж олишида деярли яққол фарқ аниқланмаган. Бироқ ЎМ билан хасталанган ҳомиладорларда ЮҚТ≥96 ур/дақ ҳолатида гестозлар ва ФПЕнинг ривожланиш хавфи таққослаш гуруҳчасидаги муқобил кўрсаткичлардан 2,5 баробар ортиқроқ бўлган.

Диссертациянинг **«Ревматик юрак нуқсонлари бўлган ҳомиладорларнинг клиник ҳусусиятлари ҳамда тизимли ва марказий гемодинамика фаолияти кўрсаткичлари»** деб номланган бешинчи бобида ревматик юрак нуқсонлари мавжуд бўлган гестациянинг II ва III триместридаги 70 та ҳомиладорларнинг клиник-инструментал текширув маълумотлари келтирилган, гемодинамик (тизимли ва марказий) функционал бузилишларнинг ўзига хос характерли хусусиятлари ҳамда уларнинг ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг ривожланишини ортиб бориши билан алоқаси кўрсатиб ўтилган. Масалан, назорат гуруҳига қиёсан РЮН бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши гестациянинг ҳам II чи, ҳам III триместрларида ЮУСнинг ошиши, ЧҚнинг чизиқли ва ҳажмли кўрсаткичларини, ҳамда чап бўлмача размерларини катталашиши, ўпка артериясидаги ўртача босимнинг ортиши, ЧҚҚФнинг пасайиши билан намоён бўлган. Шу билан бирга, чап қоринча оғирлиги (ЧҚО) ва ўпка артериясидаги ўртача босимнинг ортиши гестациянинг III триместридаги РЮН бўлган ҳомиладорларда яққол ортиши кузатилган. Гестациянинг II ва III триместрларидаги РЮН бўлган ҳомиладорларда ОДЮ кўрсаткичлари умумий ўтилган масофанинг қисқариши (II триместрда РЮН гуруҳида 307,04±77,4 м ва назорат гуруҳида 476,18±119 м, p=0,000; III триместрда РЮН гуруҳида 296,3±118,1 м ва назорат гуруҳида 414,7±99,3 м, p=0,000) билан бирга САБни синовдан кейин етарли даражада ортмаслиги билан тавсифланган. ЮУС юкламадан аввал (II триместрда РЮН гуруҳида 94,4±13,99 ур/дақ ва назорат гуруҳида 83,44±8,78 ур/дақ, p=0,000; III триместрда РЮН гуруҳида 100,62±13,9 ур/дақ ва назорат гуруҳида 95,4±11,84 ур/дақ, p=0,000) ва кейин ҳар иккала гуруҳчада назорат кўрсаткичларидан устун бўлган (II триместрдаги РЮН гуруҳида 120,68±15,7 ур/дақ ва назорат гуруҳида 106,05±11 ур/дақ, p=0,002; III триместрдаги РЮН гуруҳида 126,89±15,6 ур/дақ ва назорат гуруҳида 117,7±13,3 ур/дақ, p=0,015). ЮЕ симптомларининг яққоллиги гестация муддатининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлган. Яллиғланиш жараёнининг диагностик белгиларини ифодаловчи умимий қон таҳлили (УҚТ) ва ревмапроба натижалари яллиғланиш жараёнининг фаоллигини тарқалиши бўйича ҳомиладорлар гестация муддатлари орасида фарқ кузатилмаган. СЭКГХМ маълумотлари бўйича РЮН бўлган ҳомиладорларда гестациянинг II ва III триместрларида таҳлил этилган барча параметрлар назорат гуруҳининг ўхшаш триместрларидагилардан юқори бўлган. Бунда ЮУСнинг ўртача қийматлари (кун, кундуз, тун) РЮН бўлган аёлларда гестациянинг III триместрида II триместрга қараганда нисбатан юқори бўлган. Тахикардия эпизодлари миқдори, ҚЭ (якка, жуфт) ҳам назорат гуруҳига қараганда РЮН бўлган аёлларда нисбатан кўпроқ учраган. Текширувдан ўтган аёлларнинг ярмидан кўпида жуфт ҚУЭ гестациянинг ҳар икки триместрида учраган. Бунда гуруҳ шаклидаги ҚУЭ назорат гуруҳидаги ҳомиладорларга (5%) солиштирилганда, III триместрдаги ҳомиладорларнинг 56,2%да қайд этилган (p=0,002). ҚУПТ ва қоринча усти аллоритмия ҳар икки триместрда ҳам РЮН мавжуд бўлган аёлларда бир хил даражада учраган.

Анамнездаги ҳомиладорлик сонини инобатга олган ҳолда ўтказилган кейинги таҳлил РЮН мавжуд бўлган ҳомиладорларда қатор кўрсаткичлар бўйича PG ва MG орасидаги маълум фарқларни аниқлади: хусусан, MG гуруҳчасида чап бўлмача ва қоринча размерларини катталишиши ва бу билан боғлиқ ҳолда ўпка артериясидаги ўртача босимнинг ортиши. СЭКГХМ маълумотларига мувофиқ MG гуруҳчасида ЮУСнинг (кун, кундуз, максимал), ҳамда тахикардия эпизодларининг юқори эканлигини кўрсатиб ўтиш жоиз. Гестозлар 52,9% MG ҳолатида ва 10% PG ҳолатида учради (p=0,013). ФПЕ MG гуруҳида кўпроқ учрашга мойиллиги аниқланди. MG гуруҳида туғруқ фаолиятининг сустлиги статистик жиҳатдан аниқ кўпроқ (35,3%, XI=6.029, p=0,014) кузатилган. Апгар шкаласи бўйича <7 балл бўлган чақалоқнинг туғилиши MG гуруҳида 2,5 баробар кўпроқ қайд этилган (p=0,036).

РЮН бўлган ҳомиладорларда камқонликнинг мавжудлиги гестозлар (36,4% ва 7,7%, p=0,018) ва II-даражали ФПЕ (31,8% ва 7,7%, p=0,043)нинг учрашини аниқ равишда ортиши билан кузатилган. ОДЮ синовини ўтказиш жараёнида РЮН ва камқонлик бўлган ҳомиладорлар гуруҳида ЮУСининг юқорилиги ва бош айланишини нисбатан кўпроқ учраши таъкидланган. СЭКГХМ маълумотлари бўйича РЮН ва камқонлик бўлган ҳомиладорларда тахикардия эпизодлари, якка ҚЭ, қоринча бигеминия ва ПҚУТларнинг тез-тез учраб туришини таъкидлаш жоиз.

Марказий гемодинамика параметрларининг таҳлили ревматик жараённинг актив (РЖА) ҳолати ЧҚ ремоделлашувини кучайиши билан бир қаторда ЧҚҚФни камайиши (РЖА ҳолатида 63,7±4,5% ва юракнинг сурункали ревматик касаллиги (ЮСРК)да 67,4±3,54%, p=0,002)ни тобора чуқурлашишидаги ҳиссасини кўрсатди. Шу билан бирга, ўпка артериясининг ўртача босими ва перикард қаватлари оралиғидаги сепарация белгилари РЖА ҳолатида нисбатан юқори қийматлар билан тавсифланган (20,34±7,52 мм.сим.ус. ва ЮСРК ҳолатида 14,1±3,1 мм.сим.ус. p=0,000). Айни пайтда, РЖА мавжудлиги ФПЕнинг ривожланишини ортишига сабаб бўлган (РЖА ҳолатида 78% ва ЮСРК ҳолатида 40%, p=0,005). Апгар шкаласи бўйича баҳоланувчи янги туғилган чақалоқлар аҳволи, РЖА ҳолатида пастроқ баллар (<7) билан тавсифланган (48% ва 10%, p=0,007). ЭКГ кўрсаткичлари ҳам РЖА бўлган аёлларда сезиларли даражада салбийлашувга мойиллиги кўрсатилган: PQ, QRS, QT узайиши ва реполяризация жараёнини бузилиши (РЖБ) ва ҚЭ сонининг ортиши кузатилган (СЭКГХМ жараёнида ҳам ушбу гуруҳ ҳомиладорларида юқори миқдорда аниқланган). ОДЮ синовини бажариш жараёнида РЖА ҳолатида ўтилган масофанинг кескин камайганлиги таъкидланган (301,53±86,66 м ва ЮСРК ҳолатида 407,7±68,58 м, p=0,000), бу эса юкламадан олдин (100±15,4 ур/дақ ва 92,28±10,27 ур/дақ, p=0,043) ва кейин (130±12,24 ур/дақ 120,85±9,8 ур/дақ, p=0,004) ЮУСнинг ортиши, ҳамда ЮЕнинг субъектив белгиларини кўпроқ учраши билан боғлиқлиги аниқланган.

